



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING BUYRUG'I

130-son

20~~22~~-yil “31” mart

Toshkent shahri

**Вазирлик тизимида “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида  
коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ  
меъёрлари бўйича маҳсус ўқув курсларини жорий этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон карори ижросини вазирлик тизимида таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида,

### **БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича маҳсус ўқув курсларида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома 1-иловага мувофиқ;

Марказда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича маҳсус ўқув курслари кун тартиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси (генерал-полковник К.Бердиев), Академия ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти (подполковник Б.Қурбонов), Академия ҳузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази (полковник С.Ахмедов) мавжуд ўқув режа ва дастурларига ўқув ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда (янги ўқув йилидан) ҳуқукий тайёргарлик йўналишида “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича ўқув соатлари киритилсан.

3. Академия ҳузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази (полковник С.Ахмедов):

Марказда “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича 10 кунлик маҳсус ўқув курслари ташкил этилсан;

**15 майга қадар** ҳарбий хизматчи ва хизматчиларни мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ

меъёрлари бўйича махсус ўқув курсларида ўқитиш режаси ва ўқув дастури Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси билан келишган ҳолда ишлаб чиқилсин;

**1 июндан** Йўриқнома талабларига кўра, алоҳида тасдиқланган жадвалга асосан ҳарбий хизматчи ва хизматчиларчи махсус ўқув курсларида ўқитиш йўлга қўйилсин;

Марказда ташкил этиладиган махсус ўқув курсларида тегишли тажрибага эга халқаро ёки маҳаллий вазирликлар ва идоралар билан тузилган шартномалар асосида ўрнатилган тартибда ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда ўқитишни амалга ошириш учун учинчи шахслар (хуқукни муҳофаза қилувчи орган ходимлари) жалб қилиниши йўлга қўйилсин;

махсус ўқув курсларида жалб этилган ҳарбий хизматчи ва хизматчилар белгиланган тартибда Марказ ҳудудидаги турар жойда (казармада) ётиш ва ўкиш жараёнлари кун тартиби асосида ташкил этилсин.

4. Кадрлар бошқармаси (полковник С.Югай), ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар бошлиқлари Йўриқнома талабларига кўра, махсус ўқув курсларида жалб этилган ҳарбий хизматчи ва хизматчиларнинг жадвал асосида ўқув курсларида ўз вақтида етиб боришилари таъминлансин.

5. Шахсий хавфсизлик бошқармаси (полковник Ф.Одилов), Фан, инновацион ривожлантириш ва ўқитишни ташкил этиш бўлими (полковник Б.Хикматов):

**ҳар чорақда** Йўриқнома талабига кўра, “ҳалоллик вакцинаси” тамоили асосида ўқув курсларида жалб этилган ҳарбий хизматчи ва хизматчилар рўйхати тегишли тартибда жадвал асосида ишлаб чиқилсин ва тасдиқлаш учун Фавқулодда вазиятлар вазирига киритилсин;

Йўриқномада белгиланган тартибда ўқув жараёни назорат қилинсин ҳамда биринчи навбатда коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимларни эгаллаб турган ҳарбий хизматчи ва хизматчилар коррупцияга қарши махсус ўқув курсларида жалб этилсин;

ҳарбий хизматчи ва хизматчилар ўқув жараёни якуни бўйича олинган тест синовлари ва имтиҳонларни муваффақиятли топширмаган тақдирда, тегишли чора кўриш учун бевосита уларнинг раҳбарларига ҳамда эгаллаб турган лавозимига нолойиқлиги юзасидан Фавқулодда вазиятлар вазирига тақдимномалар киритилсин.

6. Фавқулодда вазиятлар вазирининг “Вазирлик тизимида ташкил этиладиган даврий таълим ўқув курсларида ҳуқуқий саводхонлик соатларини жорий этиш тўғрисида” 2019 йил 28 июлдаги 375-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Матбуот хизмати (капитан М.Садиков) вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар вазирликнинг расмий веб-сайти ва матбуот нашрларида ёритиб борилсин.

8. Ишлар бошқармаси (полковник Ф.Азизов):

ушбу буйруқ ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларга ҳимояланган “Е-хат” тизими орқали юборилсин ҳамда “Гермес” ахборот тизимига жойлаштирилсин;

ўз кучини йўқотган буйруқ ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқарилсин;  
буйруқ барча шахсий таркибга етказилсин.

9. Мазкур буйруқ талабларининг бажарилишини назорат қилишни  
ўз зиммамда қолдираман.

Вазир  
генерал-майор

 А.Кўлдошев

Фавқулодда вазиятлар вазирининг  
2022 йил 31 марта 30-сонли  
буйруғига 1- илова

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида  
“халоллик вакцинаси” тамойили асосида коррупцияга қарши курашиш,  
манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича махсус ўкув  
курсларида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича  
Йўриқнома**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Йўриқнома Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалари (кейинги ўринларда – вазирлик) ҳарбий хизматчиларнинг коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш бўйича тавсия ва қўлланмаларни белгилаб беради.

2. Ушбу Йўриқнома коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиласидаги сабабларни бартараф этиш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳукуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва вазирликнинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

3. Вазирлик ҳарбий хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари соҳасида ўқитиш (кейинги ўринларда – Ўқитиш) дастурлари ва материаллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади.

**2-боб. Ўқитишнинг асосий тамойиллари**

4. Вазирлик ҳарбий хизматчиларини ўқитиш қуидаги тамойилларга асосланади:

**холислик ва илмийлик** – коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари соҳасидаги ўкув материалларни тайёрлаш учун масъул шахслар уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, халқаро стандартлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари назарияси ва амалиётига доир илмий тадқиқотлар натижаларига мувофиқлигини таъминлайди;

**амалий жиҳатдан қулийлик** – вазирлик ҳарбий хизматчиларини ўқитиш шакллари, усуллари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, реал вазиятларга асосланиши, шунингдек ҳарбий хизматчилар томонидан олинган билимларни тушуниш даражаси ва уларни аниқ амалий вазифаларни ҳал этишда қўллаш имкониятини назорат қилинишини ўз ичига олиши лозим;

**кетма-кетлилик ва тизимлилик** – коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари соҳасидаги ўқув материаллари, шунингдек вазирлик ҳарбий хизматчиларини ўқитиш тартиби изчил ва тузилмавий-мантиқий тизимни ифодалайди. Ўқитиш умумий тушунчалар ва воқеликлардан жузъийларига, оддийдан мураккабга, бошланғичдан мукаммалга ва х.к ўтиш асосида амалга оширилади;

**хаммабоплик** – ўқитиш вазирлик ҳарбий хизматчиларининг жорий билимлари ва кўникмаларини ҳисобга олиш, вазирликнинг барча ҳарбий хизматчилари учун тушунарли бўлган ўқув материаллирини шакллантириш;

**дифференциаланган ёндашув** – вазирликда коррупцияга қарши ўқитиш аниқ функциялар ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатар натижаларини ҳисобга олади. Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимларни эгаллааб турган ҳарбий хизматчилар коррупцияга қарши қўшимча равишда маҳсус ўқитилади;

**ўқитиш усуллари ва шаклларии доимий равища**  
**такомиллаштириш** – вазирлик ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек вазирлик ҳарбий хизматчилари томонидан билимлар ўзлаштирилганини текшириш вақтида техник ва илмий тараққиётнинг инновацион ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қиласи.

### **3-боб. Ўқитишнинг устувор вазифалари**

5. Ўқитиш шакллари ва усулларини аниқлашда, шунингдек коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари соҳасидаги ўқув материалларини шакллантиришда вазирлик ҳарбий хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари соҳасида ўқитиш учун масъул шахслар қўйидаги устувор вазифаларга таяниши лозим:

коррупция моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли соҳалари, вазирликнинг функция ва тартиб-таомилларида пайдо бўлиш шакллари ва ўзига хос жиҳатлари, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва заарли оқибатлари тўғрисида умумий тасавурни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, вазирликнинг Коррупцияга қарши кураш сиёсати билан белгиланган коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари хулқ-атворнинг ахлоқий қадриятлари ва вазирликнинг бошқа ички ҳужжатларига катъий ва сўзсиз риоя қилишга асосланган хулқ-атвор моделини шакллантириш;

вазирлик ҳарбий хизматчиларини вазирликда амал қилувчи коррупцияга қарши кураш тамоиллари, талаблари ва тартиб-таомиллари билан таништириш;

коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқишига хизмат қилувчи шартшароитларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш қобилиятини шакллантириш, коррупциявий хулқ-атвор, вазирликнинг этик одоб-ахлоқ меъёрлари бузилишига нисбатан тоқатсизликни намоён этиш.

#### **4-боб. Ўқитишни ишлаб чиқиш ва ўтказишга масъул шахслар**

6. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси, Академия хузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти ва Академия хузуридағи Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази томонидан вазирлик ҳарбий хизматчи ва хизматчиларини ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўкув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек вазирликда бундай ўқитишни мувофиқлаштириш ва мониторинг килиш учун вазирлик Фан, инновацион ривожлантириш ва ўқитишни ташкил этиш бўлими масъулдир.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси, Академия хузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти ва Академия хузуридағи Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида мавжуд ўкув режа ва дастурларига ўкув ҳажмининг **5 фоизидан кам** бўлмаган микдорда хуқукий тайёргарлик йўналишида “халоллик вакцинаси” тамойили асосида коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича ўкув соатлари киритилади.

Академия хузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича 10 кунлик **маҳсус ўкув курслари** ташкил этилади.

7. Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмаси-Шахсий хавфсизлик бошқармаси (кейинги ўринларда – Шахсий хавфсизлик бошқармаси) вазирлик ҳарбий хизматчиларини ўқитиш режаларининг тайёрланиши, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ўкув материалларнинг ишлаб чиқилиши, ўқитиш ўтказилишини назорат қиласи.

8. Вазирликнинг Фан, инновацион ривожлантириш ва ўқитишни ташкил этиш бўлими ўқитиш интизоми ва унга доир ахборотлар жамланишини назорат қиласи.

9. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси хузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида ташкил этиладиган маҳсус ўкув курсларига тегишли тажрибага эга халқаро ёки маҳаллий вазирликлар ва идоралар билан тузилган шартномалар (вазирликда белгиланган тартибда) асосида ўкув материалларини тайёрлаш ҳамда ўқитишни амалга ошириш учун учинчи шахслар (хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари) жалб килинади.

#### **5-боб. Ўқитиш турлари ва шакллари**

10. Ўқитиш куйидаги турларни ўз ичига олади:

барча ҳарбий хизматчи ва хизматчиларни коррупцияга карши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича умумий ўқитиши;

коррупциявий хавф-хатарга энг қўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга карши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича махсус ўқув курслари;

вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ҳарбий хизматчилар учун коррупцияга карши махсус ўқитиши.

12. Коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича умумий ўқитиши вазирликнинг барча ҳарбий хизматчилари учун мажбурий ҳисобланади.

13. Вазирликнинг барча ҳарбий хизматчилари учун коррупцияга қарши умумий ўқитиши амалий йўналтирилган бўлиши ва қўйидаги янги билимларга эга бўлиш ёки мавжуд билимларни такрорлаш имкониятини яратиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги, вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш масалалари, жумладан ўрнатилган таъқиқлар, чекловлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, хизмат хулқ-авторига қўйилган талаблар, вазирлик ҳарбий хизматчиларининг коррупциявий ҳаракатлари аниқланганда ҳаракатлар кетма-кетлигига доир ички ҳужжатларини билиш;

коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши бошқа талаблар соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётига доир билимлар;

олинган билимларни қўллаш кўнималари, жумладан вазирликнинг турли фаолият соҳаларидағи коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қобилияти, вазирликда ўрнатилган коррупцияга қарши кураш чораларини амалиётда қўллай билиш.

Коррупцияга қарши умумий ўқитиши материалларига киритиш учун мазкур Йўрикномага 1-иловада келтирилган мавзулардан фойдаланиш тавсия этилади.

14. Вазирлик ҳарбий хизматчиларининг одоб-ахлоқ меъёрлари одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича умумий ўқитиши вазирликнинг барча ҳарбий хизматчилари учун амалий йўналтирилган бўлиши ва вазирликда қабул килинган этика тамойиллари ва қоидаларига доир янги билимларга эга бўлиш ёки бор билимлар такрорланишини таъминлаши лозим.

15. Вазирлик ҳарбий хизматчилари умумий коррупцияга қарши ўқитиши ва ҳарбий хизматчилар одоб-ахлоқ меъёрлари одоб-ахлоқ меъёрлари натижалари бўйича ўрганилган материал қанчалик ўзлаштирилгани ва тушунилганлиги ҳамда олинган билим ва кўнималарни амалиётда қўллаш имкониятини текширишга қаратилган тест синовларини топшириши лозим.

16. Вазирлик ҳарбий хизматчилари саволларнинг камида 72 фоизига тўғри жавоб берган тақдирда, коррупцияга қарши умумий ўқитиши ва одоб-ахлоқ меъёрларини муваффакиятли ўзлаштирган ҳисобланади.

Агар ҳарбий хизматчи саволларнинг 72 фоизидан камига тўгри жавоб берган бўлса, у такрорий тест синовларини (оғзаки, ёзма, тест шакли) 1 (бир) иш куни ичida қайта топшириши мумкин.

17. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун маҳсус коррупцияга қарши ўқитиш коррупцияга қарши умумий ўқитишдан мустақил (қўшимча) равишида ўтказилади.

18. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати вазирлик ҳудудий бошқармалари ва таркибий тузилмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ шакллантирилади.

19. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш қуидагилар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олиши лозим:

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш усуллари;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турлари;

учинчи шахслар билан ўзаро алоқа қилишда коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомилларга хос бўлган коррупцияга қарши талаблар;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функцияларни амалга оширишда қўлланиладиган қўшимча талаб ва тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи ички хужжатлар.

20. Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ҳарбий хизматчиларни (Шахсий хавфсизлик бошқармаси, ҳудудий Шахсий хавфсизлик бўлими ва таркибий тузилмаларда Кадрлар, тарбиявий ва мафқуравий ишлар бўлимлари ҳарбий хизматчилари) коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш қоида тарикасида уч йилда камида бир марта малака ошириш шаклида (семинар, тренинг ва бошқа) ёки икки йилда бир марта ўқув курсларида ёхуд коррупцияга қарши кураш соҳасидаги эксперктларни жалб қилиш, шунингдек бундай ўқитишларга ихтисослашган ваколатли учинчи шахслар (вазирликлар ва идоралар) томонидан ташкил этиладиган тренингларда иштирок этиш орқали ўтказилади.

21. Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ҳарбий хизматчиларни коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилигидаги ўзгаришлар, коррупцияга қарши тизимларни шакллантириш ва давлат органларида коррупциянинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш борасидаги илгор халқаро методикаларни ўрганишни ўз ичига олиши лозим.

22. Ушбу Йўриқноманинг **20-бандида** кўрсатиб ўтилган малака ошириш ва тренинглардан ўтиш йилига камидан 10 (ён) соатни ўз ичига олиши лозим.

## **6-боб. Ўқитиш муддатлари ва даврийлиги**

23. Ўқитиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва вазирликнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган мажбурий малака ошириш доирасида ўқитиш, учинчи шахслар билан қўшма конференциялар, йиғилишлар, симпозиумлар ўтказилишидан қатъий назар амалга оширилади.

24. Вазирлик ҳарбий хизматчилари коррупцияга қарши кураш ва одоб-ахлоқ меъёрлари соҳасида қоида тариқасида уч йилда бир марта ўқитилади.

25. Вазирлик ҳарбий хизматчилари қуидаги ҳолларда коррупцияга қарши курашиш бўйича қоида тариқасида уч йилда бир мартадан кўп ўқитилиши мумкин:

ҳарбий хизматчи коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб турган бўлса;

лавозимга тайинланганда ва ротация қилинганда, агар шахснинг янги лавозими коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатига кирса;

вазирликда коррупциявий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда ёки амалга оширилаётган функция тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатар даражаси ортганда;

вазирлик раҳбари қарорига мувофиқ.

26. Вазирликка ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга тайинланган ҳарбий хизматчилар (агар муқаддам ўқишига жалб этилмаган бўлса) ишга кирган ёки янги лавозимга тайинланган вактдан бошлаб, қоида тариқасида 30 кун ичида коррупцияга қарши ва вазирлик ҳарбий хизматчиларининг одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича умумий ўқитилиши шарт.

Ўқув санасини белгилашда коррупцияга қарши кураш ва одоб-ахлоқ меъёрлари соҳасида ўқитишнинг тасдиқланган чораклик жадвали, гуруҳда бўш ўринлар борлиги (кундузги ўқув шакли учун) ва мазкур бобнинг 22-23-бандларида кўзда тутилган ўқитиш муддатлари ва даврийлигида амал килиш зарурати ҳисобга олинади.

Кейинги коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва вазирлик ҳарбий хизматчиларининг одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича умумий ўқитиш барча ҳарбий хизматчилар учун уч йилда бир мартадан кам бўлмаган даврийлиқда белгиланади.

Махсус ўқув курслари камидан қоида тариқасида **10 кун муддатга 60 соат** этиб белгиланади.

27. Ҳарбий хизматчи коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб тургани билан боғлиқ ҳолатларда ёки ҳарбий хизматчи шундай лавозимга тайинланганда махсус коррупцияга қарши ўқитиш

коррупцияга қарши кураш ва одоб-ахлоқ меъёрлари соҳасида ўқитишнинг чораклик жадвалида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

28. Фан, инновацион ривожлантириш ва ўқитишни ташкил этиш бўлими ва Шахсий хавфсизлик бошқармаси билан биргаликда маҳсус ўқув курлари учун ҳар чорак якунида кейинги чорак ўқитиш жадвалини тузади ва уни Фавқулодда вазиятлар вазирига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ўқитиш жадвалини тузишда ҳарбий хизматчилар томонидан олдинги ўқитиш муддатлари ҳисобга олинади.

Ўқитиш жадвалида албатта ўқитиш курси номи, санаси, шунингдек ўқитиш тайинланган лавозимлар кўрсатилади.

Тасдиқланган жадвалга мувофиқ ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кадрлар бўлими ҳарбий хизматчилари ўқитиш бошланишидан 10 иш кун олдин ҳарбий хизматчиларни хабардор қиласи. Белгиланган муддатда ўқиши имконияти бўлмаса (*кундузги ўқув шакли учун, ҳарбий госпиталда даволанишида, режалаштирилган таътил, чет давлатда хизмат сафари сингари асосли сабаблар*), ҳарбий хизматчи ўқиши бошланишидан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай ўқишини бошқа санага кўчириш мақсадида Фан, инновацион ривожлантириш ва ўқитишни ташкил этиш бўлимими ёзма равища огоҳлантириб қўйиши лозим.

## **7-боб. Ўқитиш интизомиии назорат қилиш ва хужжатларни сақлаш**

29. Фан, инновацион ривожлантириш ва ўқитишни ташкил этиш бўлими вазирлик ҳарбий хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ меъёрлари соҳасида ўқитилишига доир маълумотларни йиғиб боради ва уларни ҳар чоракда вазирликнинг Шахсий хавфсизлик бошқармасига тақдим этади.

Шахсий хавфсизлик бошқармаси олинган маълумотларни таҳлил қиласи (жумладан, ўқув интизоми, ҳарбий хизматчилар учун қийинчилик туғдираётган мавзулар ва тест саволлари) ва таҳлил натижаларини коррупцияга қарши тизимнинг амал қилиши ва ривожланиши масалалари бўйича доимий ҳисботларга киритилишини, шунингдек ўқув материаллари мослаштирилишини зарурат туғилганда таъминлайди.

30. Ҳарбий хизматчи ўқув курслари якуни бўйича тест синови ва якуний имтихондан белгиланган муддатларда ўтолмаса, Шахсий хавфсизлик бошқармаси бошлиғи томонидан бундай ҳарбий хизматчининг раҳбарига унга нисбатан тегишли қарор қабул қилиш мақсадида тақдимнома киритади ёхуд унинг эгаллаб турган лавозимига нолойиқлиги юзасидан Фавқулодда вазиятлар вазирига тақдимнома киритади.

31. Ўқитиш жадвали, йўқлама ва рақалари, тест натижалари, ҳарбий хизматчи ўқиганлигини тасдиқловчи бошқа хужжатлар ўқиши ўтказиладиган

муассасаларда сақланади ва керакли ҳужжатларни Фан, инновацион ривожлантириш ва ўқитишни ташкил этиш бўлимига тақдим этади.

Ўқитиш якунларида тест синовлари ва якуний имтихонларни муваффақиятли топширган ҳарбий хизматчиларга коррупцияга карши курашиб, манфаатлар тўқнашуви соҳасида ўқув курсини тамомлаганлиги тўғрисидаги сертификат ўқув курсини ўтказган муассаса бошлиғи томонидан берилади.

## **8-боб. Якуний қоидалар**

32. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва вазирликнинг ички ҳужжатларидағи ўзгаришлар қиритилганда, коррупцияга қарши ўқитишни ташкил этиш соҳасидаги илгор ҳалқаро амалиёт ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилади. Вазирликнинг Шахсий хавфсизлик бошқармаси мазкур Йўриқномага ўзгартириш киритиш учун жавобгар ҳисобланади.

33. Вазирлик ҳарбий хизматчилари эгаллаб турган лавозими, иш стажи, мавқеи ва бошқа омиллардан қатъий назар мазкур Йўриқноманинг тамойиллари ва талабларига риоя қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

34. Мазкур Йўриқнома талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Фавқулодда вазиятлар вазирилги тизимида “халоллик вакцинаси” тамойили асосида коррупцияга карши кураши, манфааттар түкнашуви ва одоб-ахлоқ мебъёлари бўйича маҳсус ўқув курсларида ўқитилишини ташкил килиш бўйича Йўрикномага І-илова

**Вазирлик тизими шахсий тарқибини коррупцияга  
қарни курашиш бўйича умумий ўқитиш наъмунавий  
МАВЗУЛАРИ**

Мавзу	Компонентлар
Коррупциянинг табиати	Коррупция тушунчаси, унинг шаклари ва келиб чиқиши сабаблари; Коррупциянинг ижтимоий-хукукий ходиса сифатидаги мазмуни; Жамиятда коррупцияга нисбатан муносабат.
Коррупцияга карши курашишнинг хукукий асослари	Коррупцияга карши курашиш соҳасидаги миллий қонунчилик; Вазирликда коррупцияга карши курашишга доир ички меъёрий хукукий хужжатлар; Коррупцияга карши курашиш бўйича халкаро амалиёт.
Коррупциявий хавф-хатарлар ва типик коррупциявий харакатлар	Вазирликдаги коррупцияга карши курашиш тизими элементлари, шунингдек муҳим чора- тадбирлар шархи; Вазирликдаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш; Вазирликнинг коррупцияга карши курашиш амалиёти сиёсати; Коррупцияга карши курашиш соҳасида харбий хизматчилар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбуuriят ва ваколатлари; Коррупциявий харакатлар, уларни содир этиш хавфи юзага келган вактдаги харакатлар; Коррупциявий харакатлар тўрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир йўрикнома, хабарларни кўриб чиқиш тамойиллари).

Мавзу	Компонентлар
<p>Назорат-рухсат бериш функциялари ва тартиб-таомиллари доирасидаги коррупцияий хавф-хатарлар;</p> <p>Совғалар ва ишбилиармонлик мемондўстлиги белгиларининг олди-бердисидаги бериш-олишдаги коррупцияий хавф-хатарлар;</p> <p>Фуқаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар билан боғлиқ коррупцияий хавф-хатарлар;</p> <p>Харбий хизматчиларни вазирикка тизимиға хизматга танлаб олишдаги ва ишга кабул килишдаги коррупцияий хавф-хатарлар;</p> <p>Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ коррупцияий хавф-хатарлар;</p> <p>Хизмат турлари, фунқиялар учун лицензия бериш, шунингдек лицензия битимлари талаблари ва шартларини бажариш устидан назорат билан боғлиқ коррупцияий хавф-хатарлар;</p> <p>Биноларни ижарага бериш билан боғлиқ коррупцияий хавф-хатарлар;</p> <p>Ўзаро ҳамкорлик ва тасарруғий вазирикклар фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ коррупцияий хавф-хатарлар;</p> <p>Танловлар билан боғлиқ коррупцияий хавф-хатарлар;</p> <p>Турли хужжат турлари экспертизасини ўтказиш, шунингдек улар ижросини назорат килиш билан боғлиқ коррупцияий хавф-хатарлар;</p> <p>Давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ коррупцияий хавф-хатарлар;</p> <p>Вазирик фаолиятидаги учраши мумкин бўлган бошқа хавф-хатарлар.</p>	
<p>Коррупцияий харакатлар учун жавобгарлик</p>	<p>Коррупцияий харакатлар учун интизомий жавобгарлик;</p> <p>Коррупцияий харакатлар учун жиной жавобгарлик;</p> <p>Ўзбекистон Республикасиданнинг коррупцияий харакатларга доир ишлари бўйича суд амалиёти шархи.</p>

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIRLIGI  
AKADEMIYASI HUZURIDAGI BOSHILANG'ICH TAYYORGARLIK  
VA MALAKA OSHIRISH MARKAZI

# SERTEFIKAT

*"Halollik vaksinasi" maxsus o'quv kursini tamomladi*

Leytenant Raximov Alisher Farxadovich

"Halollik vaksinasi" tamoyili asosida korrupsiyaga qarshi kurashish, manfaatlar to'qnashuvi va odob-axloq me'yorlari bo'yicha 60 soatlik "Korrupsiyaga qarshi kurashish" maxsus o'quv kursida tayyorgarlikdan o'tdi.

Markaz bo'shlig'i, polkovnik

Kotib, mayor  
M.O'.

S.F.AXMEDOV

J.A.MAMASOLIYEV

31.03.2022 yil

Фавқулодда вазиятлар вазирининг  
2022 йил 31 марта 20-сонли  
буйругига 2-илова

“ТАСДИКЛАЙМАН”  
Ўзбекистон Республикаси ФВВ  
Академияси хузуридаги БТ ва МО  
маркази бошлиғи

(лавозими, унвони)

(имзо) (Ф.И.О.)

202 \_\_\_\_ йил “\_\_\_\_”

Марказда коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ меъёрлари  
бўйича махсус ўқув курслари  
КУН ТАРТИБИ

Т/р	Тадбирлар номи	Ўтказиш вақти	Давоми
1.	Тингловчиларни уйғотиш	06 <sup>00</sup> -06 <sup>10</sup>	10 дакика
2.	Эрталабки бадантарбия	06 <sup>10</sup> -06 <sup>50</sup>	40 дакика
3.	Юваниш, ётоқхоналарни тартибга келитириш	06 <sup>50</sup> -07 <sup>20</sup>	30 дакика
4.	Нонушта	07 <sup>20</sup> -07 <sup>50</sup>	30 дакика
5.	Эрталабки кўрик	07 <sup>50</sup> -08 <sup>00</sup>	10 дакика
6.	Саф тайёргарлиги бўйича машк ўтказиш	08 <sup>00</sup> -08 <sup>30</sup>	30 дакика
7.	Таксимот	08 <sup>30</sup> -08 <sup>45</sup>	15 дакика
8.	Ўқув машгулотларига тайёргарлик кўриш	08 <sup>45</sup> -09 <sup>00</sup>	15 дакика
9.	Ўқув машгулотлари; I-жуфтлик дарслари	09 <sup>00</sup> -10 <sup>20</sup>	80 дакика
	Танаффус	10 <sup>20</sup> -10 <sup>30</sup>	10 дакика
	II-жуфтлик дарслари	10 <sup>30</sup> -11 <sup>50</sup>	80 дакика
	Танаффус	11 <sup>50</sup> -12 <sup>00</sup>	10 дакика
10.	III-жуфтлик дарслари	12 <sup>00</sup> -13 <sup>20</sup>	80 дакика
	Тушлик	13 <sup>20</sup> -14 <sup>00</sup>	40 дакика
	Шахсий вакт	14 <sup>00</sup> -15 <sup>00</sup>	60 дакика
	Мустакил тайёргарлик соати	15 <sup>00</sup> -16 <sup>20</sup>	80 дакика
11.	Танаффус	16 <sup>20</sup> -16 <sup>30</sup>	10 дакика
	Ижтимоий-сийсий, тарбиявий тадбирлар, саф ва спорт машгулотларини ўтказиш	16 <sup>30</sup> -18 <sup>00</sup>	90 дакика
	Шахсий вакт	18 <sup>00</sup> -19 <sup>00</sup>	60 дакика
	Кечки овқат	19 <sup>00</sup> -19 <sup>30</sup>	30 дакика
12.	Теледастурлар томоша қилиш	19 <sup>30</sup> -21 <sup>00</sup>	90 дакика
13.	Кечки сайр	21 <sup>00</sup> -21 <sup>30</sup>	30 дакика
14.	Кечки йўклама	21 <sup>30</sup> -21 <sup>45</sup>	15 дакика
15.	Уйкуга ётиш	21 <sup>45</sup> -22 <sup>00</sup>	15 дакика
16.	Уйку	22 <sup>00</sup> -06 <sup>00</sup>	08 соат

Изоҳ: Зарур ҳолатларда Марказ бошлиғи томонидан белгиланган кун тартибига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.